

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.31.10.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ЯРИЕВА ОЙНИСА ОЛТИНОВНА

**БОЛАЛАРДА ТИШ КАРИЕСИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ,
ДАВОЛАШНИ КЛИНИК АСОСЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО– 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Яриева Ойниса Олтиновна

Болаларда тиш кариесини эрта ташхислаш,
даволашни клиник асослаш ва профилактикаси 3

Яриева Ойниса Олтиновна

Клинические обоснование ранней диагностики,
лечения кариеса зубов у детей и его профилактика 23

Yarieva Oynisa Oltinovna

Clinical rationale for early diagnosis of dental carious,
treatment and its prevention in children 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.31.10.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ЯРИЕВА ОЙНИСА ОЛТИНОВНА

**БОЛАЛАРДА ТИШ КАРИЕСИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ,
ДАВОЛАШНИ КЛИНИК АСОСЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО– 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib406 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гаффоров Суннатулло Амруллоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аврамова Ольга Георгиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Шукурова Умида Абдурасуловна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.31.10.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Н.У. Нарзуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда экологик мувозанатни глобал равишда ўзгариши билан боғлиқ атроф-муҳит омилларининг салбий таъсири, оилавий ижтимоий муҳит, соғлом овқатланиш тартибига риоя қилмаслик, яшаш ҳудудларидаги биосфера объектларида кальций ва фтор ионларини етишмаслиги болалар кариесини келиб чиқиши ва жадаллашиб боришига олиб келмоқда. Шунинг учун жаҳонда болалар кариесини олдини олиш учун юқори самарали янги услубларни ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларга кўра «...уч ёшли болаларда ўртача 3-4 тиши касалланиши оқибатида оғир асоратлар сонини кўпаймоқда...»¹. Кариес билан оғир ва мураккаб асоратли зарарланиш, вақтинчалик тишларда ўткир ва сурункали одонтоген яллиғланиш жараёни ривожланишининг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Дунёда «...тиш кариеси профилактикасини кўплаб эндо- ва экзоген услублари мавжуд бўлиб, уларни қўллаш асосида янги пайдо бўлаётган кариес касаллиги 30-40% гача камайтирилган...»². Болалар орасида кариес профилактикасининг самарали тизимини ташкиллаштириш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда болаларда тиш кариесини эрта ташхислаш ва даволашни клиник асослаш, профилактикасини ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада турли ёш гуруҳларида болалар орасида стоматологик касалликларни, шунингдек, тиш кариеси касаллигини қиёсий асослаш ҳамда мактаб ва мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари орасида тиш кариеси кечишини, ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг тиббий ижтимоий жиҳатларини асослаш зарур. Тиш кариеси мавжуд болаларда патологик ҳолатни оғиз бўшлиғининг клиник-функционал ҳолатини даволаш ва профилактик чора-тадбирларини ўтказиш, мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида кариес касаллигининг ирсий мойиллиги хавф омилларини олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш, касалликни ташхислаш ва даволаш, асоратларини камайтириш бўйича даволаш тизимини ишлаб чиқишга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, иссиқ иқлим шароитида болалар орасида тиш кариес ва нокариес касалликларни камайтиришга қаратилган қатор вазифалар белгиланган³, жумладан «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик

¹ ЖССТ маълумотлари 2017 йил

² Сунцов В. Г., Леонтьев В. К., Дистель В. А. Стоматологическая профилактика у детей // Омск. -2005.С.343.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони

усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...» каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар иссиқ иқлим шароитида турли ёш гуруҳларида тиш кариес ва кариес бўлмаган касалликларини камайтириш, ташхислаш ва даволашни янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3440-сон «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги 15-20 йиллар давомида МДХ давлатларида турли даражадаги кариесга резистент ҳолатни баҳолаш ва паст резистентликни олдини олиш профилактика чора-тадбирларида фторидларнинг экзо ва эндоген усулларини қўллаш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда (Аверьянов С.В., Акатьева Г.Г., 2005; Кузьмина Э.М., 2005; Атежанов Д.О., Божбанбаева Н.С., 2016). Болаларда тиш кариесини олдини олишда фторидларнинг ижобий ва узок муддатли даволаш самарадорлигига эришиш масаласини ҳал қилиш учун касалликни юзага келтирувчи барча омилларни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозимлиги (Леонтьев В.К., Пахомов Г.Н., 2006; Антонова А.А., Стрельникова Н.В. 2016) қайд этилган. Муаллифларнинг маълумотларига кўра, болаларда тиш кариесини олдини олишда фторидларни эндоген йўл орқали, хусусан, сув, сут, туз ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини фторлаш орқали организмга киритиш, кариес касаллигини 40% ва ундан кўп миқдорда камайишига олиб келади. Юқорида қайд этилган барча эндоген усуллардан, иқтисодий жиҳатдан энг арзони ва мақбули сувни фторлаш ҳисобланиши ҳақида хулоса қилинган (Давыдов Б.Н. ва ҳаммуал., 2002).

Ўзбекистонда болаларда тиш кариесининг профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тиш кариесининг хавф омиллари ва олдини олиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар бажарилган бўлиб, уларга: тишларнинг кариесга резистентлиги; кариесга қарши таркибида фтор сақловчи витамин

ва дори воситаларини қўллаш; уларда сўлак ажралиб чиқиш тезлиги, хусусиятлари ўрганилган (Камилов Х.П., Бекжанова О.Е., 2011; Даминова Ш.Б., Худанов Б.О., 2011; Гулямов С.С., 2018; Зокирхонова Ш.А., 2018), бироқ, мактабгача таълим ва мактаб ёшидаги ёшидаги болалар орасида ушбу муаммо тўла ўрганилмаган ва етарли даражадаги маълумотлар олиш имконини бермайди.

Республикамизда мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида тиш кариесининг тарқалиши ва ўсиш тезлиги ҳам етарли даражада ўрганилмаган. Улар орасида оғиз суюқлиги кўрсаткичларнинг хусусиятлари, аралаш сўлакдаги рН-муҳити, тиш қаттиқ тўқимасининг кариесга резистентлигини аниқлаш тўғрисида маълумотлар етарли эмас. Шунингдек, мактабгача таълим ва мактаб ёшидаги болалар орасида тиш кариес профилактикасини олиб бориш борасида истиқболни белгилаш тизими ишлаб чиқилмаган. Турли ёш гуруҳлари орасида тиш кариесини олдини олишга қаратилган истиқболни белгилаш модели йўқлиги замонавий тиббиётнинг болалар стоматологияси соҳасида асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Бухоро минтақасининг иссиқ иқлими шароитларида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзуси (2017-2021 йиллар) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача таълим ёшидаги болалар ва мактаб ўқувчилари орасида тиш кариесини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишни самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тиш кариеси касаллигини турли ёшдаги болалар орасида тарқалишини қиёсий баҳолаш;

мактабгача таълим ёшидаги болаларда ва мактаб ўқувчилари орасида тиш кариеси касаллигини ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг тиббий-ижтимоий жиҳатларни баҳолаш ва таҳлил қилиш;

тиш кариеси мавжуд болаларда оғиз бўшлиғининг клиник-функционал ҳолатини баҳолаш ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида тиш кариесини эрта ташхислаш ва олдини олиш усуллари ташкиллаштирилган алгоритмни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014-2018 йиллар давомида Бухоро вилоятидаги мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган ва мактабларда таълим олаётган 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган 1232 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети мактабгача таълим ёшидаги болаларда ва мактаб ёшидаги болаларда тиш кариесининг тарқалганлиги, оғиз бўшлиғи

гигиеник ҳолати, аралаш сўлакдаги рН муҳити, кальций ва фосфор миқдори кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини амалга оширишда клиник, клиник-функционал, лаборатор, инструментал, тиббий-ижтимоий ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим ва мактаб ёшидаги болалар орасида тиш кариеси шаклланиши ёшига нисбатан тарқалишининг хавф омиллари аниқланган;

болаларда тиш кариесининг олдини олиш ва ривожланишида ҳаёт сифатининг асосий параметрлари, оилавий муҳит даражаси, оғиз бўшлиғи рухий ва эмоционал ҳолатига боғлиқлиги исботланган;

илк маротоба оилавий барқарорликнинг тиш кариеси ва стоматологик муаммоларнинг ривожланиши билан боғлиқлиги исботланган;

болалар орасида тиш кариесида оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати ва сўлақларининг рН муҳити, тиш қаттиқ тўқимасининг резистентлигини аниқлаш ёрдамида баҳолаш тизими асосланган;

болаларда оғиз бўшлиғининг клиник-функционал ҳолати, индивидуал омиллар асосида тизимли ҳаёт тарзига таъсирини олдини олишни истиқболни белгилаш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим ёшидаги болаларда ва мактаб ўқувчилари орасида кариес хавфини камайтиришга қаратилган комплекс стоматологик профилактик тадбирлар қўллаш самараси асосланган;

мактабгача таълим ёшидаги болаларда ва мактаб ўқувчилари орасида кариесни келтириб чиқарувчи омиллар, тарқалганлик тўғрисида истиқболни белгилаш учун баҳолашнинг Oral Health-Related Quality of life модификацион анкета сўровномасининг самарадорлиги баҳоланган;

мактабгача таълим ёшидаги болаларда ва мактаб ўқувчилари орасида кариеснинг ривожланишига олиб келувчи энг аҳамиятли клиник, тиббий-ижтимоий омиллар таъсири орқали кечиши истиқболни белгилаш, даволаш ва олдини олиш тизими ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим муассасаси болаларида тиш кариесини олдини олишда тизимли профилактика, оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати ва сўлакнинг биокимийвий кўрсаткичларига таъсири самарадорлиги баҳоланган;

тизимли истиқболни белгилашдан самарали фойдаланиш асосида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчилари орасида тишларнинг кариесдан зарарланишини камайтиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал ва беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, клиник-функционал, лаборатор, инструментал ва статистик усуллар асосида болаларда тиш кариесини эрта ташхислаш,

даволашни клиник асослаш ва профилактикасининг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болалар ва мактаб ўқувчилари орасида тиш кариесини келтириб чиқарувчи хавф омиллари: ижтимоий омиллар, соматик касалликлар, рН-муҳити, тиш қаттиқ тўқимаси резистентлиги, гигиеник индекси кўрсаткичларининг тизимли профилактикаси асосида истиқболни белгилаш тизими ижобий ўзгариш бўлишини илмий жиҳатдан асослаб берилган. Турли ёшдаги болалар орасида тиш кариесининг олдини олиш ва оғиз бўшлигидаги тишларнинг клиник-функционал ҳолатини яхшилашга қаратилган ёш гуруҳи асосида танланган тизимли индивидуал омиллар энг муҳим самарадорлик томонлари мавжудлиги тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактабгача таълим ёшидаги болаларда ва мактаб ўқувчилари орасида оммавий стоматологик текширувлар асосида болаларнинг оғиз бўшлиғи: тишларнинг ҳолати ва кариесни баҳолашнинг Oral Health-Related Quality of Life мукаммалаштирилган модификацияланган анкета сўровномасининг самарадорлиги ҳамда энг аҳамиятли клиник, тиббий-ижтимоий омиллар орқали тиш кариеси ривожланишини кечиши, даволаш ва олдини олишнинг истиқболлини белгилаш мезонлари ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда тиш кариесини эрта ташхислаш, даволашни клиник асослаш ва профилактикаси бўйича олиб борилган илмий натижалар асосида:

«Мактабгача таълим ёшидаги ва мактаб ўқувчилари орасида тиш кариес ривожланишини башоратлаш алгоритми» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 8н-р/396-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома мактабгача таълим ёшидаги ва мактаб ўқувчилари орасида тиш кариеси ривожланиши истиқболлини белгилаш, касалликни олдини олиш ва тарқалишини камайтириш имконини берган;

«Турли ёш гуруҳларидаги болаларда оғиз бўшлиғи ҳолатини қиёсий баҳолаш» услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 8н-р/397-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома турли ёш гуруҳларидаги болаларда оғиз бўшлиғи ҳолатини қиёсий баҳолаш, оғиз бўшлиғи касалликлари, уларнинг асоратларни олдини олиш, даволашга замонавий ёндошув истиқболлини белгилаш ва касалликлар тарқалишини камайтириш имконини берган;

Болаларда тиш кариесини эрта ташхислаш, даволашни клиник асослаш ва профилактикаси бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти Бухоро тумани марказий тиббиёт бирлашмаси, Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси стоматологик

поликлиникаси, Гиждувон тумани стоматологик поликлиникаси ва Когон шаҳар стоматологик поликлиникаси амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 октябрдаги 8н-д/216-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши мактабгача таълим ёшидаги ва мактаб ўқувчилари орасида тиш кариеси ривожланиши истиқболлини белгилаш, касалликни олдини олишни истиқболлини белгилаш орқали тиш кариеси тарқалишини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болалар тиш кариесини эрта ташхислаш ва даволаш ва профилактикасининг замонавий тасаввурлари**» деб номланган биринчи бобида хориж ва маҳаллий муаллифларнинг мактабгача таълим ва мактаб ёшидаги болалар орасида кариеснинг этиологияси, патогенези, касаллик тарқалишининг таҳликали омиллари ва олдини олишнинг самарали усуллари ёритилган, илмий тадқиқот ишлари танқидий томондан батафсил муҳокама қилинган. Асосий эътибор замонавий усулларга қаратилган, шунингдек болалар орасида кариеснинг олдини олишнинг профилактикаси эндо- ва экзоген жихатларига қаратилган. Турли ёшидаги болалар орасида кариеснинг олдини олиш усуллари афзалликлари ва камчилликлари аниқланган. Тадқиқотда таҳлил қилинган илмий мунозалар ўрганилган муаммонинг аҳамиятини назарий жихатдан таҳлил қилинганлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг «**Болалар тиш кариесини эрта ташхислаш ва даволаш ва профилактикасига услубий ёндашув**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот предмети, объекти ҳамда қўлланилган тадқиқот усуллари таъриф берилган. Вазифаларни амалга ошириш учун 1-17 ёшдаги 1232 нафар болалар назорат остига олинган: булардан Бухоро шаҳар 16-сон ўрта умумтаълим мактаб ўқувчилари ва 53-сон мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари олинган. Тадқиқотдан олдин барча болалар қуйидаги ёш гуруҳларига ажратилган: 3 ёшгача болалар гуруҳи; 3 ёшдан 7 ёшгача болалар гуруҳи; 7 ёшдан 12 ёшгача болалар гуруҳи ва 12 ёшдан 17 ёшгача болалар гуруҳи. Болаларнинг тиббий картасидаги маълумотлар асосида натижалар таҳлил қилинган.

ЖССТнинг экспертларнинг тавсиясига кўра тиш кариесининг тарқалганлик даражаси кариесни болаларнинг умумий текширилган болалар сони нисбати доирасида таҳлил қилинган (кариесли - К, пломбаланган - П ёки олиб ташланган тишлар - ОТ).

Боланинг стоматологик статусини баҳолаш. Кўрикни болани, унинг ота-онасини ёки яқин қариндошларидан анамнез йиғишдан бошланган. Тиш қаторларини баҳолашда тишларнинг ўзаро бир бирига муносабатлари, тиш илдизларининг мавжудлиги, тиш тож қисмининг емирилиш даражаси, кариеснинг ҳамда нокариоз касалликлар билан зарарланган тишлардаги нуқсонларнинг мавжудлиги, пломбаларнинг сифати ҳисобга олинган. Бундан ташқари тиш қаторларининг деформацияси, тишларнинг зич ҳолатда жойлашуви, трема ва диастемаларнинг мавжудлиги, жароҳатли окклюзия белгиларининг аниқланиши ҳам ҳисобга олинган.

Оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини баҳолаш учун эса оғиз бўшлиғи гигиеник индексларидан фойдаланилган: CPITN; PMA (Schour, Massler); GI (Loe, Silness); КПИ (П.А.Леус); ОНI-S (Green, Vermillion); Силнес-Лоу (Silness, Loe); ТЭР-синови.

Тишлар ҳолатини баҳолашда ЖССТ экспертлар кўмитаси томонидан тавсия қилинган кўрсаткичлардан фойдаланилган. Тиш кариесининг интенсивлигини вақтинча тишлов даврида кп индекси ёрдамида, алмашинувчи тишлов даврида кп+КПО индекси ёрдамида, доимий тишлов даврида эса КПО ёрдамида аниқланган. 12 ёшгача бўлган болаларда тиш кариесларининг тарқалганлиги ва интенсивлигини баҳолаш учун ЖССТ Европа ҳудудий бюроси томонидан тавсия этилган мезонлардан фойдаланилган (Marthaller T. et al., 1996). Пародонт тўқималарининг ҳолати КПИ пародонтал индекси ёрдамида ўрганилган (Леус П.А., 1988). Болаларда оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати Федоров-Володкина индекси ёрдамида ҳамда оғиз бўшлиғининг соддалаштирилган гигиена индекси – ИГР-У ёрдамида баҳоланган (Green J.C., Vermillion J.R., 1964).

Стоматологик мақомнинг болалар ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш учун: Oral Health - Related Quality of Life (OHRQoL) сўровномани валидация қилинди.

Ота-оналар учун сўровнома 13 саволдан иборат бўлиб, улар орқали 4 асосий йўналиш бўйича баҳоланди: боладаги жисмоний ноқулайлик ҳамда

функционал бузилишлар (1-5 саволлар), унинг рухий (6 савол), ижтимоий (7-9 саволлар) ва оилавий (10-13 саволлар) оила фаровонлиги.

Натижаларни статистик жиҳатдан қайта ишлаш учун вариацион статистиканинг анъанавий усулларида фойдаландик. Бутун статистика ишлари «Pentium-4» процессорга эга шахсий компьютерларда «Excel» дастуридан фойдаланган ҳолда олиб борилган. Тадқиқотларни ташкиллаштириш ва олиб бориш пайтида далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Ёш гуруҳларидаги болаларда стоматологик касалликларни ўрганиш таҳлили**» деб номланган учинчи бобда стоматологик касалликларнинг, жумладан мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг стоматологик касалланишлари, жумладан тиш кариесининг қиёсий тарқалиш хусусиятлари берилган.

Турли ёш тоифасидаги текширилган болаларда тиш ҳолатини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида 22 болада (1,8%) жағнинг тўғри ривожланмаганлиги кўрсатилган. Текширув ўтказилган 20 нафар болада (1,6%) нотўғри тишлов тури аниқланган, бу кўпинча 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларда - 16 ҳолатда (1,3%) учради. Бошқа барча ҳолатларда уларнинг тишлов тури меъёрда бўлган - 98,4% (n=1212).

Кейин, барча 4 ёш гуруҳидаги текширилган болаларда оғиз бўшлиғи шиллик қавати ҳолати қиёсий жиҳатдан баҳоланган. Улар орасида кўриқдан ўтган болалар орасидан 188 та ҳолатда - 15,3% гингивит ташхиси қўйилгани аниқланган. Кейинги жойларда, аниқланганлар сонига кўра, стоматит (7,6%, n=94), оғиз бўшлиғи кандидози (0,6%, n=8) каби нозологик бирликлар мавжуд эди. Бундан ташқари, алоҳида ҳолатларда учраган бошқа касалликлар алоҳида гуруҳга қўшилган - «бошқалар» (0,8%, n=10). Шунини таъкидлаш керакки, текширилган 932 нафар болаларда (75,6%) оғиз шиллик қаватининг шикастланиш белгилари топилмаган. Гингивит ва стоматит билан касалланишнинг юқори фоизи 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларда ва 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда қайд этилган - мос равишда 3,4%, n=42; 9,4%, n=116 га нисбатан 1,3%, n=16; 4,5%, n=56. Ушбу нозологик бирликлар билан касалланишнинг паст фоизи 3 ёшгача бўлган болаларда - мос равишда 1,0%, n=12 ва 0,3%, n=4 аниқланган.

Тишларнинг ҳолатини баҳолашда болаларнинг умумий стоматологик ҳолати ҳисобга олинган. Болалар тишларининг умумий ҳолати эса таклиф этилган шкала бўйича баҳоланган: «яхши ҳолат» - текширув пайтида тишларда кўринадиган патологик ўзгаришлар бўлмаса, тиш шикастланиши аломатлари, тиш функцияларининг тўлиқ сақланиши; «қониқарли ҳолат» - кўринадиган тишларда патологик ҳолатлар мавжуд бўлганда, тиш шикастланиши аломатлари кам намоён бўлиши, тиш функцияси тўлиқ сақланиб қолганда; «қониқарсиз ҳолат» - кўринадиган патологик шароит мавжуд бўлса, тиш шикастланишининг аниқ намоён бўлиши, тиш функцияларининг қисман сақланишидир.

Олинган натижаларга кўра (1-жадвал) кўриқдан ўтган 3 ёшгача бўлган болаларда тишларнинг «яхши ҳолати» (6,4%, n=79) «қониқарли ҳолат» дан

(2,5%, n=31) ва «қониқарсиз ҳолат» дан (1,3%, n=16) юқори эканлигини кўрсатган.


1-жадвал

Текширилган болаларда тишларнинг ҳолатини ўрганиш натижалари

Тиш ҳолати	3 ёш	3-7 ёш	7-12 ёш	12-17 ёш	Жами
«яхши»	79/6,4	117/9,5	203/16,5	84/6,8	483/39,2
«қониқарли»	31/2,5	109/8,8	216/17,5	146/11,9	502/40,7
«ёмон»	16/1,3	58/4,7	105/8,5	68/5,5	247/20,0

3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг кўрсаткичлари ушбу ҳолатга яқин эди - мос равишда 9,5% (n=117); 8.8% (n=109) ва 4,7% (n=58). Аммо 7 ёшдан бошлаб (7-12 ёшгача) тишларнинг «яхши ҳолати» дан 1,1 бараварга «қониқарли ҳолат» устунлик қилган (мос равишда 16,5%, n=203; 17,5% га нисбатан, n=216). Жадвалдан кўриниб турибдики, худди шундай тенденция 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларда сақланиб қолган.

Бу тишлар ҳолатининг олинган мутлоқ ва нисбий (%) параметрларининг нисбатларини ўрганишда аниқроқ намоён бўлган. «Яхши ҳолат»ни биз бирликка тенглаштирдик ва бошқа кўрсаткичлар бу рақамга нисбатан ҳисобланган. Натижалар, умумий гуруҳда «яхши» ва «қониқарли» тиш ҳолатларининг рейтинг шкаласи параметрлари деярли бир хил бўлган ва «қониқарсиз ҳолат» уларга нисбатан 2,0 баравар паст бўлган: 39,2: 40,7: 20,0 = 1,0: 1,04: 0,51 (1-расм).



1-расм. Турли ёш гуруҳидаги болаларда оғиз бўшлигини қиёсий таққослаш кўрсаткичлари

Уларнинг ёши ўсиши билан тишлар сони «қониқарсиз» ҳолати аста-секин ўсиб борган, шунинг учун агар 3 ёшгача бўлган болаларда «яхши» баҳоси «қониқарсиз» кўрсаткичдан 5,0 баравар кўп бўлса, 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда бу кўрсаткич 2,0 мартага тенг эди, 7-12 ёшгача бўлган болаларда 1,9 баравар, 12-17 ёшгача бўлган болаларда эса 1,2 баравар ошган.

Олинган натижалар (2-жадвал) шуни кўрсатдики, Бухоро шаҳрида доимий яшайдиган 3 ёшгача бўлган болалар орасида тиш кариесининг тарқалиши 37,3% ни (n=47) ташкил этган. Шуни таъкидлаш лозимки, тадқиқодимиз мобайнида 1 ёшгача бўлган болаларда кариес жараёни кузатилмаган.

2-жадвал

Тиш кариесининг тарқалиши (мактабгача бўлган болалар)

Ёш	Тарқалиш кўрсаткичлари		Тиш касалликлар нисбати
	Мутлоқ	%	кп
3 ёш, n = 126	47	37,3	0,31±0,08
3-7 ёш, n = 284	167	58,8*	1,97±0,26*
жами, n = 410	214	52,2	1,14±0,27

Изох: * - фарқлар ёш гуруҳлари кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (P<0,05)

Болаларда кариесли тишлар 2 ёшдан бошлаб пайдо бўла бошлаган ва 3 ёшдан бошлаб кариес ҳар учинчи болада учраган (37,3%). 3-7 ёшгача бўлган болаларда бу кўрсаткич 1,6 мартага, 58,8% гача кўтарилган (n=167).

Агар биз тиши кариес билан касалланган болалар сони текширилган болалар умумий сони билан таққосланганда (n=1232), унда ёшга қараб тиш кариесининг кўпайиши барибир ҳам тасдиқланган - мос равишда 3 ёшгача бўлган болаларда 3,8% ва 3-7 ёшгача бўлган болаларда 13,6%, бу эса 3,6 баравар кўпроқдир. Тадқиқотнинг кейинги босқичи кўриқдан ўтган болаларда кариес шаклини (компенсацияланган, субкомпенсацияланган, декомпенсацияланган) аниқлашдан иборат бўлган. Кўриқдан ўтган 3 ёшгача бўлган болаларда тиш кариесининг декомпенсацияланган шакли аниқланмаган (3-жадвал).

3-жадвал

Тиш кариесининг шакллари (ёш гуруҳларида)

Ёш	Тиш кариесининг шакллари					
	Компенсацияланган		Субкомпенсацияланган		Декомпенсацияланган	
	абс	%	абс	%	абс	%
3 ёш, n=47	40	85,1	7	14,9	0	0
3-7 ёш n=167	90	53,9*	70	41,9*	7	4,2
7-12 ёш n=321	87	27,1*	211	65,7*	23	7,2
12-17 ёш n=214	29	13,6*	160	74,8*	25	11,6

Изох: * - фарқлар ёш гуруҳлари кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (P<0,05)

Асосан тиш кариесининг компенсацияланган шакли кўп учраган (85,1%, n=40), субкомпенсацияланган шакли 47 ҳолатдан 7 тасида 47 (14,9%) аниқланган. Демак, 3 ёшгача бўлган болаларда нафақат тиш кариеси тарқанганлиги пасайган, балки субкомпенсацияланган шакли камдан-кам ҳолларда учраган ва декомпенсацияланган тиш кариеси шакли аниқланмаган.

3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда бироз бошқача ҳолат кузатилган, бу ерда тиш кариесининг субкомпенсацияланган шакли ошиши эвазига (41,9%, n=70) 2,8 марта ҳамда тиш кариесининг декомпенсацияланган шакли ошиши (4,2%, n=7) эвазига тиш кариесининг компенсацияланган шакли фоизи сезиларли даража пасайган (53,9%, n=90) - 1,6 мартага.

Тадқиқотлар болаларда тиш кариесининг асосий хавф омиллари фон соматик патологияси, тиш гипоплазияси ва гигиеник бўлмаган оғиз таркибий қисмлари эканлиги аниқланган. Ушбу текширувда болаларнинг ёшидан қатъий назар, тиш кариесининг субкомпенсацияланган ва декомпенсацияланган шакллари кўпайган ($P<0,001$). Олинган натижалар аниқ бир ҳақиқатни, яъни оғиз бўшлиғининг саломатлиги ва бутун инсон танасининг, шу жумладан турли ёшдаги болаларнинг умумий ҳолати билан боғлиқлигини кўрсатган.

Диссертациянинг «**Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда тиш кариесининг тиббий-ижтимоий жиҳатларини қиёсий баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобда мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда тиш кариесининг кечиши ва натижаларининг тиббий-ижтимоий жиҳатлари қиёсий жиҳатдан тавсифланган. Бунинг учун Jonu M. Tefal (2002) ва Pahel V. Tefal (2007) томонларидан тавсия этилган стоматологик ҳолатнинг болаларнинг ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш учун - Oral Health - Related Quality of Life (OHRQoL) анкетаси модификация қилинган. Анкета 13 та саволдан иборат бўлиб, улар 4 қисмга бўлинган: жисмоний ноқулайлик ҳамда функционал бузилишлар (1-5 саволлар), унинг руҳий (6 савол), ижтимоий (7-9 саволлар) ва оилавий (10-13 саволлар) оила фаровонлиги. Сўровноманинг ҳар бир қисмида респондентларга ҳар бир саволга 5 та мумкин бўлган жавоб таклиф қилинди, улар аниқ нуқталар билан кодланган: «Ҳеч қачон» - 0 балл; «Жуда кам» - 1 балл (6 ойда ўртача 1 марта); «Камдан кам» - 2 балл (3 ойда ўртача 1 марта); «Кўпичча» - 3 балл (ойига ўртача 1 марта); «Жуда тез-тез» - 4 балл (ҳафтасига ўртача 1 марта). Тўпланган балларнинг сони боланинг ҳаёт сифатига тесқари пропорционалдир (қанча кўп балл бўлса, боланинг ҳаёт сифати шунчалик ёмон бўлади). Олинган натижаларни кўриб чиқишда ушбу минтақа учун мақбул маълумотларни таҳлил қилиш ва тавсифлаш, шунингдек илмий тадқиқотлар натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун 13 та саволнинг 10 тасига жавоблар танланган.

Ҳисоблаганда олинган натижалар бўйича ўртача маълумотларга таянилган. Масалан, «Болангиз тишларида, оғиз бўшлиғида ва жағларида ноқулайликни ҳис қилмайдими?» саволига сўралган, фарзандлари 3 ёшгача бўлган 126 нафар ота-онадан 55 таси ижобий жавоб берган, бу 43,7% ни ташкил этади. Ижобий жавоб берган ушбу ёшдаги фарзандлари мавжуд ота-оналарининг ярмидан камроғи ҳисобланади. Бошқа кўрсаткичлар ҳам ёш гуруҳидаги (3 ёшдан 7 ёшгача - n=284; 7 ёшдан 12 ёшгача - n=524; 12 ёшдан 17 ёшгача - n=298) болалар миқдоридан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилган. Текширилаётганларнинг ёши ошиши билан бу параметр амалий жиҳатдан шу даражада қолган - мос равишда 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларда 43,7%

(524 тадан 229 таси), 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларда 44,0% (298 тадан 131 таси), лекин 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда (60,2%) ижобий жавоблар (284 дан 171) бу параметр бошқа ёш гуруҳларига нисбатан анча юқори бўлган.

Шундай қилиб, ота-оналар жавоби бўйича шу нарса аниқландики, 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалардан ташқари (60,2%), болаларнинг ярмидан камроғи (43.7-44.0%) тишлари, оғиз бўшлиғи ва жағларида ноқулайликни ҳис қилганлар. Олинган баллар бўйича болаларнинг яшаш сифати 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда нисбатан ёмон бўлган – тадқиқотнинг бошқа гуруҳларида ўртача 0,96 бирлик ўртача 0,60-0,70 бирликка қарши. Шу нарса аниқландики, бу шу ёшдаги болаларда тиш алмашилиши билан боғлиқ ҳисобланади. Барча текширилаётган болаларда тишларда, оғиз бўшлиғида ва жағларда ноқулайликни ҳис қиладиганларнинг юқори фоизи ва нисбатан паст яшаш сифати нафақат ушбу болаларнинг ота-оналари, тарбияланувчилари ва ўқитувчилари учун, ушбу минтақадаги мутахассис-стоматологлар учун ҳам огоҳлантирувчи сигнал ҳисобланади.

Шу нарса аниқландики, ушбу саволларга фарзандлари 3 ёшгача бўлган ота-оналар шунга мувофиқ 53,2% ва 51,6% ҳолатларда ижобий жавоб беришган. Бошқа учта ёш категорияларда бу параметр шунга мувофиқ 53,9% ва 56,7%; 37,4% ва 32,4%; 29,9% ва 26,5%. Олинган натижалардан шу нарса кўриниб турибдики, текширилаётган болаларнинг ёши ошиши билан ота-оналарининг болалари совуқ, иссиқ ичимликлар ичиш ва ейиш билан боғлиқ ноқулайликлар ҳақидаги ижобий жавобларининг фоизи аста-секин пасайган. Бу билан параллел равишда ёш ошиши билан болаларнинг яшаш сифати ҳам яхшиланиб борган, бу баллар ва уларнинг кузатувлар миқдорига нисбатан мувофиқлигининг пасайишида ифодаланган - мос равишда, болаларнинг ёш гуруҳларига кўра ўртача 90 ва 98; 247 ва 269; 300 ва 262; 161 ва 149 балл, шунингдек, ўртача 0,71 ва 0,78; 0,87 ва 0,95; 0,57 ва 0,50; 0,54 ва 0,50 бирлик.

Кейинчалик, болада стоматологик муаммоларнинг мавжудлигига боғлиқ равишда текширилган болаларнинг руҳий ва ижтимоий ҳолатини ўрганилган. Текширилган болаларнинг руҳий ва ижтимоий ҳолатини ўрганиб чиқиш шуни кўрсатдики, ота-оналарнинг ижобий жавоблари фоизининг пасайиш тенденцияси олдинги ҳолатларда ҳам давом этган (4-жадвал).

3 ёшгача бўлган болаларда ота-оналарнинг 54,8%и ижобий жавоб берган, ёш ошиши билан эса бундай жавобларнинг фоизи камайган.

Шундай қилиб, агар 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда бу параметр 48,6% ни (1,13 баравар пасайиш) ташкил этган бўлса, 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларда эса кўрсаткич янада пасайган - 36,6% гача (1,50 баравар пасайиш), деярли яқин натижалар 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларда (42,3%) ҳам кузатилган. Руҳий ҳолатига боғлиқ равишда текширилган болаларнинг яшаш сифати олдинги параметрдан озгина фарқ қилган. Респондентларнинг жавоблари бўйича энг паст ҳаёт сифати 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларда (ўртача 0,84 бирлик) кузатилган. Текширилган болаларнинг бошқа учта ёш гуруҳларида ҳаёт сифатининг бирин-кетин пасайиш тенденцияси сақланиб қолган - мос равишда 3 ёшгача бўлган

болаларда ўртача 0,71 бирлик, 3 ёшдан 7 ёшгача ўртача 0,67 бирлик, 7 ёшдан 12 ёшгача ўртача 0,55 бирлик.

4-жадвал

Тадқиқотдаги болалардаги тиш муаммоларининг мавжудлигига қараб руҳий (эмоционал) ҳолатини баҳолаш

Кўрсаткичлар	3 ёшгача, n=126	3 ёшдан 7 ёшгача, n=284	7 ёшдан 12 ёшгача, n=524	12 ёшдан 17 ёшгача, n=298	Жами, n=1232
Фарзандингиз тиш муаммолари туфайли асабийлашадими?					
Ҳеч қачон	57/4,6	146/11,9	332/26,9	172/14,0	707/57,4
Жуда кам	48/3,9	90/7,3	109/8,8	43/3,5	290/23,5
Камдан кам	21/1,7	44/3,6	73/5,9	57/4,6	195/15,8
Кўпинча	0	4/0,3	6/0,5	11/0,9	21/1,7
Жуда тез-тез	0	0	4/0,3	15/1,2	19/1,6

Респондентлар сўровининг маълумотлари кўра, 3 ёшгача бўлган болаларда эмоционал ҳолат энг ёмон бўлган, аммо чуқур таҳлил қилишда шу нарса аниқландики, нисбатан ёмон ҳаёт сифати кўпинча эмоционал ҳолат бузилган 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларда аниқланган.

Текширилган болаларнинг стоматологик муаммоларига қараб ижтимоий ҳолати ўрганиш боланинг руҳий ҳолатидан биров фарқ қилган (5-жадвал).

5-жадвал

Тадқиқотдаги болалардаги тиш муаммоларининг мавжудлигига қараб эмоционал ҳолатини баҳолаш

Кўрсаткичлар	3 ёшгача, n=126	3 ёшдан 7 ёшгача, n=284	7 ёшдан 12 ёшгача, n=524	12 ёшдан 17 ёшгача, n=298	Жами, n=1232
Фарзандингиз ўз тиш муаммолари туфайли бошқа болалар билан мулоқот қилишдан қочадими?					
Ҳеч қачон	70/5,7	140/11,4*	391/31,7*	244/19,8*	845/68,6
Жуда кам	42/3,4	91/7,4*	99/8,0*	16/1,3	248/20,1
Камдан кам	14/1,1	35/2,8	26/2,1	22/1,8	97/7,9
Кўпинча	0	18/1,5	5/0,4	9/0,7	32/2,6
Жуда тез-тез	0	0	3/0,2	7/0,6	10/0,8

Изоҳ: * - фарқлар ёш гуруҳлари кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли ($P < 0,05$)

Ота-оналар ўзларининг ижобий жавобларида ўз болаларининг ижтимоий ҳолатини баҳолаганлар, бу олинган натижаларни таҳлиliga кўра 3-7 ёшгача бўлган болаларда нисбатан ёмон (ўртача 50,7% - 284 тадан 144 таси) ва 12-17 ёшгача бўлган болаларда нисбатан яхши (ўртача 18,1% - 298 тадан 54 таси). Агар 3 ёшгача бўлган болаларнинг кўрсаткичи (ўртача 44,4% - 126 тадан 56 таси) 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларга яқин бўлса, 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларда ушбу параметр (ўртача 25,4% - 524 тадан 133 таси) 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг келтирилган маълумотларига ўхшаш

бўлган. Ҳаёт сифати параметрларини баҳолаш аввалги тадқиқотлар натижаларини ҳам деярли такрорлайди - мос равишда ёш гуруҳлари бўйича 0,56 бирлик; 0,76 бирлик; 0,34 бирлик ва 0,39 бирлик.

